

Journal of
**Natural
science**

**No5
2021**

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф12. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

“УМУРТҚАЛИЛАР ЗООЛОГИЯСИ” ФАНИГА ДОИР
МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАНЛАШ УСУЛЛАРИ

Норқузиева М.Ш. Шабанова Н.И.

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация. “Умуртқалилар зоологияси” фанини ўқитишда талабаларнинг мустақил фикрлашларини, билиш қобилиятларини ривожлантириши, мантиқий мушоҳада юритишларини ҳисобга олган ҳолда материалларни танлаш назарда тутилган.

Калит сўзлар: ўқув жараёни, педагог, таълим, материал, тажриба – синов, метод.

Аннотация. Преподавание предмета «Зоология позвоночных» предполагает подбор материалов с учетом развития у студентов самостоятельного мышления, познавательных способностей, логической наблюдательности.

Ключевые слова: учебный процесс, педагог, образование, материал, опыт - тест, метод.

Annotation. The teaching of the subject "Vertebrate Zoology" involves the selection of materials, taking into account the development of students' independent thinking, cognitive abilities, logical observation.

Keywords: educational process, pedagogue, education, material, experience - test, method.

Умуртқалилар зоологияси фани мазмуни ва уларни танлаш принципларини ўрганишга доир ўқув – методик, дидактик, илмий адабиётлар таҳлилларидан маълум бўлдики, мазкур материаллардан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим – тарбиявий ишларни мазмун ва сифат жиҳатдан такомиллаштиришга, талабаларда назарий билим, амалий кўникма ва малакалар шаклланишига кенг имконият яратади.

Умуртқалилар зоологияси фани мазмунини яратишга доир материаллар кўйидаги муаммоларни ҳал этиши зарур:

1. Умуртқалилар зоологияси фани мазмунини яратиш ва уни ўқитиш самарадорлигини оширишда танланган материаллардан маъруза, лаборатория ва амалий машғулотларда анъанавий, ноанъанавий методларнинг қандай шакллардан фойдаланишни аниқлаш.

2. Умуртқалилар зоологияси фани мазмуни бўйича танланган материаллар талабаларнинг мустақил фикрлашларини, билиш қобилиятларини ривожлантириши, мантиқий мушоҳада юритишларини ҳисобга олиш.

3. Умуртқалилар зоологияси фани мазмуни бўйича танланган материалларни талабаларга ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш.

Умуртқалилар зоологияси фани мазмунига оид танланган материаллардан ўқув жараёнида фойдаланиш деганда қуйидаги мақсадлар тушунилади:

1. Танланган материаллар “Умуртқалилар зоологияси” фанининг ўқув режаси ва дастури талабларига мос келиши, талабаларнинг қийналмасдан ўзлаштириб олишларига ёрдам бериши.
2. Талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириши.
3. Талабаларда мустақил ва ижодий фикрлашни ўстириши.
4. Талабаларнинг абстракт тафаккурини, мантиқий мушоҳада юритишларини ривожлантириши.
5. Талаба эгаллаган назарий билимини амалиётга қўллай билиши.
6. Умуртқалилар зоологияси фани мазмунига оид танланган материаллардан ўқув жараёнида фойдаланиш мақсадли ва режали асосда бўлиши, зарурий педагогик вазиятни аниқлаш ва танлаш.

Умуртқалилар зоологияси фани мазмунига оид танланган материалларга қуйидаги дидактик талабларни қўйиш мумкин:

1. Танланган материаллар мазмуни дидактик ва методик талабларга жавоб бериши керак;
2. Танланган материаллар мазмуни содда, лўнда ва қисқа тугалланган матнда ифодаланган бўлиши зарур;
3. Танланган материаллар мазмуни ва ундаги фактлар ҳаққоний бўлиши лозим;
4. Танланган материаллар ва синов саволлари аниқ ҳамда тушунарли бўлиши даркор.

Умуртқалилар зоологияси фани мазмунини яратиш ва уни ўқитиш методикаси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотнинг назарий ва педагогик тажриба – синов ишларининг амалий натижалари, олинган илмий хулосалар ва амалий тавсиялар қуйидаги дидактик талабларга бўйсунуши шарт:

1. Танланган материаллар умуртқалилар зоологияси фани концепциясида, Давлат таълим стандартларида, дастур ва ўқув режасида ўз мазмунини топган бўлиши.
2. Фан – техника – ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон тараққиётига жавоб бериши.
3. Танланган материаллар такрорланмаслиги.
4. Талабалар учун нотаниш, қийин атамалар бўлмаслиги.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, талабаларни умуртқалилар зоологияси фани мазмунига оид танланган материалларни маъруза, лаборатория ва семинар машғулотларда таништириш мақсадга мувофиқ.

Ўқув материалларини тақдим этишда замонавий электрон воситалар таракқиёти янги тушунчаларнинг шаклланишига замин яратмоқда. Қуйида тадқиқот вазифаларини амалга оширишда оптимал ҳисобланган тушунчалар тавсифини келтирамиз.

Ахборотнинг электрон элтувчиси – ахборотни рақамли шаклда сақлаш ва узатишнинг махсус қурилмаси (дискета, CD-диск, Flash disk ва бошқалар).

Электрон дарслик бўлими – анъанавий дарсликнинг бобларига ўхшаш ўқув фанининг ҳар хил соҳаси.

Электрон дарслик модули – анъанавий дарсликнинг мавзулари ёки параграфларига ўхшаш, ўқув фанининг бўлимларини ташкил этувчиси.

Виртуал лаборатория стендлари – лаборатория стендларининг компьютер-имитация модели.

Демак, ўқув материалларини тақдим этишда электрон дарсликлар анъанавий нашрларга нисбатан кенг имкониятлар яратиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Электрон дарсликлар компьютер технологиялари имкониятларидан фойдаланиш орқали муҳим тушунча ва қонуниятларни тушуниш, уларни ўзлаштириш жараёнларини жадаллаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Фан, 2009. – б. 145.
2. Анварова Н.А. Касб-ҳунар коллежларида кимё дарсларини компьютер технологиялари асосида ўқитиш методикаси. Дис. ... канд. пед. наук. – Тошкент: Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, 2007. – б. 155.
3. Азизов Т.А., Ибодуллоева М.И. О комплексном соединении никотината цинка с карбамидом. //Актуальные проблемы современной науки. - Москва, - 2011. №2, С. - 172.
4. Azizxo‘jaeva N. N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. — Toshkent: TDPU, 2003.
5. Bahriyev A., Bahriyeva N. Yangi pedagogik texnologiyalar orqali o'qitishda ichki motivatsiyani shakllantirish. / “Xalq ta’limi” jurnali, 2006, № 6. - b. - 25-28.